Шу кунларда Олий Мажлис Сенати аъзолари ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар маъсулларидан иборат ишчи гуруҳи томонидан Тошкент вилоятида хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги қонун ҳужжатларини ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳолати ўрганилди. Ҳужжатларнинг асосий йўналишлари белгилаб берилмоқда. Муҳокамаларда одам савдоси ҳам худди коррупция каби трансмилий жиноятлар тоифасига кириши, ушбу



Фаолият таҳлили келажақда амалга ошириладиган ишлар натижадорлигини таъминловчи муҳим омилдир. 2020 йилнинг биринчи ярми ҳам ўтди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг янги шаклланиш қўмитаси ва Кенгашнинг қўмитаси аъзолари томонидан ҳудудларда маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари раислари ҳамда депутатлари ва экспертлар иштирокида Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлисида кўриб чиқиладиган "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни муҳокама қилинди.

Сарҳисоб

Таъкидлаш жоиз, давлатимиз раҳбари йил бошида 3 та муҳим сиёсий тадбир, яъни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи ташкилий мажлиси ва Олий Мажлис палаталарининг қўша мажлиси ҳамда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида парламент аъзолари, хусусан, Қонунчилик палатаси олдида турган устувор йўналишларга тўхталиб, қатор тақлифларни илгари сурган эди.

Депутат фикри

Сўнги пайтларда мамлакатимизда банк-молия сектори изчил ислоҳ қилиниб, қатор чора-тадбирлар амалга оширилди ва натижада илгор банк бизнесини юритиш ҳамда ушбу секторда рақобат муҳитини кучайтириш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди.

Депутат фикри

Банк соҳасидаги ҳозирги ҳолат таҳлили бир оз бошқароқ. Яъни банк секторидан давлатнинг юқори даражадаги аралашуви, давлат иштирокидаги банкларда мерченмент ва таваккалчиликларни бошқариш сифатининг етарли эмаслиги, иқтисодиётда маълум даражадаги востанчиликнинг ости даражаси каби банк секторини иқтисодий янгилашнинг етарли камийиши эҳтиёжларига мос равишда ривожлантиришга тўқсунлик қилаётган қатор тизимли муаммолар соҳа равангига тушув бўлаётган эди.

Президентимизнинг 2020 йил 12 майдаги "2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида"ги Фармони ушбу масалаларни ечишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Таҳлилларга кўра, ҳозирги кунда жами банк активларининг 15 фоизи хусусий банкларга, 85 фоизи давлатнинг бевосита ёки билвосита улуши бўлган банкларга тегишли. Пандемия шароитида жаҳон иқтисодиёти инқирозга юз тувган пайтда хорижий инвесторларни миллий иқтисодиётга жалб этиш қийинлашмоқда. Айтиш жоизки, дунёнинг барча мамлакатларида инвестиция жалб қилишда тижорат банклари му-

ОЛТИ ОЙДА ОЛТИТА ҚОНУН

Бу кўпми ёки кам?

масалалари кўмитаси таҳриратнинг асосий функцияларидан бири — қонун ижодкорлиги фаолияти йўналишида ўтган олти ой давомида 6 та қонун лойиҳаси устида иш олиб борди. Янги таҳрирдаги "Геодезия ва картография фаолияти тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тўзилиши тўғрисида"ги, "Хоразм вилояти таркибиде Тупроққалъа туманини ташкил этиш ҳамда Ҳазорасп тумани чегараларини ўзгартириш тўғрисида"ги, "Ўрмон фонди ерларидан самарали фойдаланиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунлар шунлар жумласидандир.

Давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш бўйича битта "Ҳуқумат соати", битта "Парламент эшитуви", тўртта "Кўмита эшитуви" ўтказилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга оширишга оид чора-тадбирлар дастурининг ижроси бўйича қилинган ишлар тўғрисида қишлоқ ҳўжалиги вазирининг ахбороти видеоконференция шаклида эшитилди.

рожаатлари билан ишлаш бўйича янги ва самарали тизим яратилди. Мазкур йўналиш ҳам қўмитанинг эътибор марказида бўлди. Ҳисобот даврида кўмитага жами 247 та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг барчаси қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқилди.

Дилшод УЛУҒМУРДОВ («Халқ сўзи»)

БАНКЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИ

МАМЛАКАТИМИЗ МОЛИЯ ТИЗИМИГА ҚАНЧАЛИК НАФ БЕРАДИ?

Сўнги пайтларда мамлакатимизда банк-молия сектори изчил ислоҳ қилиниб, қатор чора-тадбирлар амалга оширилди ва натижада илгор банк бизнесини юритиш ҳамда ушбу секторда рақобат муҳитини кучайтириш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди.

тизимига бўлган ишончи йўқолган. Чунки фермер ҳўжалиги ўз ҳисоб рақамига тушган пулга ўзи эга бўлмади, маҳаллий ҳокимият буйруғи билан турли тадбир ва ҳўмилийларга ўтказиб бериляпти. Ушбу тизимга барҳам берилмас экан, тадбиркор банк билан ҳамкорлик қилишни йўлмайди, балки ҳисоб рақамиди пулни тезроқ нақдлаштиришга шошилади.

ласи долзарб бўлиб қолмоқда. Банклар томонидан ўтказилган стресс-тестлар натижалари муаммоли кредитлар улуши бир неча баробар кўпайиши мумкинлиги (ҳозирда 2,4 фоиз), бу эса банк тизими учун жиддий хатар эканлигини кўрсатяпти. Шу ўринда тижорат банкларига муаммоли кредитлар саломатлигини ошириб кетиши самарадорлиқа пуртартиқ қиймати билан бир вақтда, халқаро рейтинг компанияларининг қўрсатишига эслатиб ўтиш даркор. Тижорат банкига берилган рейтинг қўрсаткичининг тушиб кетиши хорижий молия институтларидан олаётган қарз ресурслари қиймати ошиб кетишига олиб келади.

Огоҳлик

БУНДА ХАТАРЛИ ОФАТГА АСЛО БЕПАРВО ҚАРАБ БЎЛМАЙДИ

Саломатлик инсон учун энг бебаҳо бойлик. Халқимиз соғлигини мустаҳкамлаш йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ҳозирги мураккаб вазиятда ҳар биримизга далда бўлиб, ўзимиз ва ўзгалар тақдирини учун масъулиятни янада кучайтиришни тақозо этмоқда.

Бўйича алоқа маркази фаолият юрита бошлади.

Қўриниб турибдики, эндиликда коронавирус аломати кузатилган беморлар тест топшириш ёки шифохонада даволаниш учун сарсон бўлмайди. Бу ҳам кейинги пайтларда сайловчиларимиз эътирозларига сабаб бўлаётган ҳолат эди. Демак, ҳам-жаҳатликда фаолият олиб борилса, барча муаммога ечим топиш мумкин. Бугунги синовли кунларда ҳар биримиз четда турмаслигимиз лозим. Халқимизга айтар сўзимиз шунки, мутахассислар берган тавсияларга амал қилинг, тозалик, санитария қўندларига риоя этинг. Бу нафақат ўзингиз, балки ўзгалар саломатлиги учун ҳам жуда муҳим.

Жаҳонир АБДУРАСУЛОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси аъзоси.

Таъкидлаш жоизки, давлат банкларини трансформация қилиш билан бир қаторда, хусусий банклар ҳам бизнес жараёнларини оптималлаштириши лозим. Назаримизда хусусий банклар консерватив бўлгани туфайли операция ризиқлардан қўриқиб, инновация ахборот вазифасига таҳдид бўлади, деб ҳўсўблайдим. Унутмаслик керакки, инновацияни қўллаш ҳисобига технологик жараёнлар қисқаради ва қарор қабул қилиш мақбуллашади. Бу эса янги мақсулотлар ҳамда янги бозорларга кириш учун имконият яратяпти. Хусусий банклар давлат банкларига нисбатан кичик бўлганлиги сабабли инновация жараёнларини тезроқ мослаштира олади. Айни сабабли хусусий банклар бозорда рақобатбардош бўлиши учун давлат банкларидан илгарироқ ҳаракат қилса, қўзғалмақ мақсадларига осонроқ эришишлари мумкин.

Пандемия даврида банкларнинг кредит портфели ва лойиҳалар сифатини ошириш маса-

АҲОЛИ КЎТАРГАН МУАММОЛАР ЕЧИМИНИ ТОПМОҚДА

Жойларда аҳоли билан ўтказилаётган учрашуларда ҳар бир муурожаатга алоҳида эътибор қаратиб, кўтарилган масалаларга ечим топиш чоралари кўрилатгани одамларнинг давлатга ва амалга оширилаётган ислохотларга ишончини мустаҳкамламоқда. Бинобарин, Президентимиз таъбири билан айтганда, халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак.

Халқ билан мулоқот

Бугун иш услубимиз ўзгарди. Шу кеча-кундузда коронавирус оқибатларини тугатиш, тарқалишининг олдини олиш борасидаги чора-тадбирлар доирасида аҳоли билан карантин қондаларига амал қилган ҳолда иш олиб боряпмиз. Яқинда Нукусдаги "Амударё" маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси билан учрашдик. Ўзаро мулоқотда одамларни қўйнаётган бир қатор масалалар ўртага ташланди. Хусусан, ушбу худудда яшовчи Ж. Медетова, Д. Аметов ва Т. Исмоилов кўчаларга тунги ёриқчилар қўйилмагани, неча йиллардан бери асфальт янгиланмагани каби муаммоларни айтди. Қ. Пиринхозова

эса маҳаллага нуруний отахонлар учун дам олиш маскани, ёшлар учун спорт майдончаси, кутубхона қуриш зарурлигини билдирди.

Илгиримдан зиёд фуқаролар уй-жой, иш билан таъминлаш, мактабга таълим муассасасига фарзандларини жойлаштириш каби муаммоларни баён қилди. Ушбу масалалар тегишли ташкилотлар, жумладан, Олий Мажлис Сенати томонидан назоратга олинди. Тадбирдан кейин мазкур масалаларга дахлдор қорхона ва муассаса мутасаддилари билан учрашиб, уларни қандай ҳал этиш бўйича маслаҳатлашдик. Эътиборлиси, муаммоларнинг аксарияти ечимини топди.

Мазкур маҳаллада йигирмата кўча бўлиб, уларнинг айримларида аҳоли ичимлик суви таъминоти ҳамда томорқаларини сугоришда қўйналаётган қанч. Ана шу бўйича муурожаатлар юза-

сидан тегишли соҳа ходимлари билан ҳамкорликда иш олиб бордик ва пировардида масала ижобий ҳал этишга эришдик.

Шу билан бирга, Нукус шаҳридаги Саманбой маҳалласида яшовчи Жадрра Сенбаева арзонлаштирилган уй олишда қўйналаётгани тўғрисида ариза билан муурожаат қилди. Мазкур масаланинг ҳам қонун доирасида ечимини топиш борасида зарур чоралар кўрилди.

Фаолиятимиз давомида бундай мисоллар кўплаб учрайди. Мўҳими, аҳоли муурожаатларининг барчаси тегишли ташкилотлар вакиллари билан ҳамкорликда ижобий ҳал этилмоқда. Одамларни рози қилиш эса, бизнинг асосий вазифаларимиздан биридир.

Гўлистон АННАҚИЛИЧЕВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ИЛМ ДАРЁСИДАГИ ИРМОҚ

Рўйи замин сайқали Самарқанд азалдан илму урфон, буюк олим уламолар етишиб чиққан, юртимизни бутун дунёга танитган заминдир. Урта асрлар илм-фанида инқилобий ўзгаришлар ясаган мароқандлик олимларнинг диний ва дунёвий илмларга ихтисослаштирилган мактаблари, улар яратган кашфиётлар бугунги кунда ҳам жаҳонга машҳурдир. Уша даврда вилоятда қўллаб мадрасалар фаолиятда бўлганки, уларга нафақат юртимиз, балки дунёнинг узоқ ҳудудларидан ҳам илму толиблар таҳсил олиш учун келишган.

Акс садо

Академик Ботурхон Валихўжаев 2001 йили нашир этилган "Самарқандда олий таълим мадрасайи олия — университет тарихиндан лавҳалар" номли илмий-оммабоп рисоласида IX-X асрлардаёқ Самарқандда 17 та мадраса фаолият кўрсатганини таъкидлаган. Умумжаҳон маданий тараққиётини буюк илмий кашфиётлар билан бойитган Мирзо Улуғбек даврида Самарқанд дунёга доғри кетган илм-фан, маданият ва маърифат марказига айланган.



марқанд давлат университети, балки юртимиздаги бошқа олий таълим муассасалари ҳам она заминимизда ривож топган қадим мадрасалар тисмолида ўз тарихий илдизларига эга, десак, муболага қилмаган бўламиз. Шу маънода, таниқли олимимизнинг Самарқанд давлат университети ташкил топганининг 600 йиллигини кенг нишонлаш бўйича билдирган тақлифи ҳар биримизнинг кўнгилмизда буюк аждодларимизнинг дунё илм-фани тараққиётига қўшган улкан ҳиссаларидан фахрлиниш туйғусини қайта жонлантиради.

Бугунги кунда профессор Рустам Холмуродовнинг ташаббуси нафақат мамлакатимиз зиёлилари, балки Улуғбек мадрасасининг дунё илм-фани тараққиётига қўшган буюк улушини яхши билган ва англаган халқаро илмий жамоатчилик томонидан ҳам қўллаб-қувватланмоқда.

Жумладан, Жанубий Корейнинг Инха университети президенти Пак Чун-Бэ Самарқанд қадимдан жаҳон илм-фани марказларидан бири бўлганини, бу ерда камол топган олим мутафаккирлар бугунги авлодларнинг фахру ифтихорига айланганини таъкидлайди.

Нагасаки университети профессори Абдурахмон Гўлбеяз Мирзо Улуғбек мадрасасининг бутун мусулмон шарқидаги илм даргоҳлари учун ўзига хос методологик марказ бўлганлигини эътироф этиб, "Самарқандда Мирзо Улуғбек тарбиясини олган математик, астроном Али Қўшич Истанбулда, худди шундай билмилар устаси Бурсада туғилган Қозизода Румий эса Самарқандда Улуғбек расадхонасида ишлаганининг ўзини бу маданият кўприкларига намуна сифа-

тида қайд этиш мумкин", деган фикрларни билдиради.

АҚШнинг Мичиган университети Европа, Россия ва Евроосиё тадқиқотлари маркази директори, профессор Норман Грэм ҳамда унинг ўринбосари Тимур Қожаўлуғ юксак баҳо берганидек, "Шарҳ ва Фарб чорраҳасида жойлашган бу минтақа кўп асрлар давомида маданиятлар, илмий ғоялар, тиллар ва динлар мулоқоти, ўзаро таъсирига катта туртки берди".

Самарқанд давлат университети бугунги кунда ҳам юртимизда оқётган илм дарёсининг серсув ирмоқларидан биридир. Республика олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясига мувофиқ, мазкур илм даргоҳини мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг флагманига айлантириш ҳамда дунёнинг биринчи 500 та ўрнидаги олий таълим муассасалари рўйхатида киритиш кўзда тутилган. Агар Самарқанд давлат университети тарихи билан боғлиқ адолат тикланган бўлса, нафақат буюк аждодимиз Мирзо Улуғбек даҳосига эҳтиром, балки юртимиз олий таълим тизимининг халқаро нуфузи янада ошишига асос бўлади, деб умид қиламиз.

Абдуқодир ТОШҚУЛОВ, Термиз давлат университети ректори, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ЭЪЛОН

Тошкент меҳмонхона ҳўжалиги ва сервис касб-ҳўнар коллежи
Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 апрелдаги 303-ф-сонли фармойишига асосан, 2020 йил 1 августдан ўз фаолиятини тугатишини маълум қилади.
Давво ва аризалар учун манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Самарқанд Дарвоза кўчаси, 60-уй.
Муурожаат учун телефонлар: 71-273-64-60, 94-645-13-89.

Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси театр ижодкори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист
Абдураим АБДУВАХОБОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат техника университети жамоаси ва Касба уюшма кўмитаси техника фанлари номзоди, доцент
Деловар КАДИРОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этилади.

ДИЛЛАРНИ ДИЛЛАРГА, ЭЛЛАРНИ ЭЛЛАРГА ПАЙВАНД ЭТАЁТГАН САНЪАТ

БУ ЙИЛ ШАХРИСАБЗ ШАХРИДА ИККИНЧИ БОР ХАЛҚАРО МАҚОМ САНЪАТИ АНЖУМАНИ ЎТКАЗИЛАДИ.



Санъатим анда саз чалмоқ иши, Билмайин мен каби ишини киши, Илми авбору фанини муносиқий, Мендин ул илм аҳли таҳқиқий.

Буёқ мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг "Сабъи сайёр" дostonидан келтирилган ушбу бандда муносиқанинг илоҳий садо, инсоният руҳиятининг озги, хуш кайфият улдушчи удуғ неъмат эканлигига ишора бор.

Дарҳақиқат, мусиқа — мўъжизакор олам. Айниқса, халқимизнинг ноёб маданий мероси — мақомларнинг тингловчига чексиз маънавий қудрат баҳси этувчи сеҳри кучи, юракларини сел қилувчи сир асрлар оша инсонларни ҳайратлантириб келади.

Бинобарин, мақом — чуқур мазмунга эга бўлган ва мураккаб қонун-қоидалар негизига юзга келган синкретик мукаммал муносиқий жанр. У оҳанг, сўз ва ҳаракатнинг гўзал уйғулиғини ифода этади. Ушбу миллий санъатимиз негизига фалсафа, илм, образ муҳассамдир. Шу боис мақом тингловчини дунёни теран идрок этишга, образлар, таассуротлар воситасида мукамалликка интилишга ундайди.

Машойхлар мақом санъатини ушунга уммон, деб таърифлайдилар. Қаврига шўнғийверсангиз, дуру таърифтайдилар. Қаврига шўнғийверсангиз, дуру таърифтайдилар. Қаврига шўнғийверсангиз, дуру таърифтайдилар. Қаврига шўнғийверсангиз, дуру таърифтайдилар.

куйласа, кўнгилик мулкига қўзғолон солади".

Ўзбек ҳофизлик санъати бир қатор дилбар, ҳуш овозли, билимли, ибратли хонандларига эгадир. Улар, аввало, авлодлар орасида кўприк, маънавият бобида қўзғу, замон учун ибратли ҳофиз, ёш авлод учун устоз, мусиқа меросимизга нисбатан сақловчи ва ўтказувчилардир. Халқимиз Ҳожи Абдулазиз Абдурашулов, Мулла Тўйчи Тошмухамедов, Ҳамроқул қори, Маматбува Сатторов, Юнус Ражабий, Домла Ҳалим Ибодов, Хожикун Болтаев, Мадраҳим Шерозий, Ҷўраҳон Султонов, Маъмурхон Узоқов, Очипхон Отахонов, Орифхон Хотамов каби замонасининг билимдон ҳамда бетакор овоз соҳибларини доимо эътибор қилди. Сабъи улар қадриятлар маънавиятида халқимизнинг неча асрлик маънавияти муҳрланган азаллий аҳлимаданияни соф ҳолатида авлодларга етказиб келганлар.

Ўзбек халқининг олижаноб миллий урф-одатларидир", дея эътироф этди.

Учинчидан, ушбу анжуман сабаб иштирокчилар нафақат хуш наволардан баҳраманд бўлдилар, балки илм аҳли, санъатшунослар мақомнинг умумбағирий назарий ҳамда амалий муаммоларини илмий нуқтаи назардан таҳқиқ этдилар. Тадбир доирасида ўтказилган "Мақом мусиқа санъати ва унинг жаҳон цивилизациясида тулган ўрни" мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция бунга имконият яратди.

Мақомшунос олимлар ўз мақомот тизимлари ҳақида илмий қарашларини ўртоқлашар эканлар, ўзбек мақомларининг жозибдорлиғи, сирли таркибий тизимларини, чолғуларга бойлиғи ҳамда ижрочилик маҳоратлари тўғрисида илмий мулоҳазалар билдирдилар.

Аҳамиятлиси, миллий қадриятларимиз, халқимиз маънавиятининг оҳангларда акс этган қомуси сифатида илк бор мақомлар бутун дунёга тараннум этилди. 30 га яқин мамлакатлардан таъширф бюрурган мақомот ижрочилари анжуман талловидан қатнашди. Қардош тожикистонлик мақомчилар талловнинг Гран-при мукофотида сазовор бўлди.

Бу борадаги ишлар тадбирини юқори савияда ташкил этиш билан бирга, жаҳон ҳамжамиятида мақом санъати нуфузини янада оширишга ҳизмат қилади.

Ёрқин уфқларни кўзлаган янги ташаббуслар

Давлатимиз раҳбарининг мақом санъатини ривожлантириш борасидаги ғоясининг навабдаги босқичи сифатида мақом ижрочилиги, халқ мусиқаси йўналишлари бўйича кадрлар тайёрловчи Маданият вазирлиғи тизимидagi олий таълим муассасаси шаклида Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти ташкил этилди.

Мазкур олий таълим даргоҳи ёш ижрочиларни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Зеро, юксак маҳорат мақсули бўлган садо тингловчи қалбда из қолдиради, завок уйғуртади, уни мана шу лаззатли ҳолатга кайтадан интилишга қорлайди. Агар оҳангдан таъсирланса, тингловчида унга нисбатан иштиёқ қунади. Шубҳасиз, бу беқис қудратли ва тингловчининг бунга ундайдилган жараён, албатта, маҳорат билан қилинган ижродир.

Ижрочилик — жонли жараён. У доимо ҳаракатда. Ижрочиликдаги ана шу ҳаракат — софлик, аниқлик, бадийлик, бадиҳалик, эҳтирослилик, гўзаллик, дардлик, сайқаллик, жозибалилик иждоий муносабатларнинг гўзал уйғулиғида акс этади. Ижрочилик мақомнинг чолғулар асосий тараннум воситасидир. Бу борада дунё миқёсида чолғуларга энг бой халқлардан биримиз. Одатда чолғулар — халқ ва миллат маънавияти ҳамда руҳиятини садоларда акс эттирувчи асосдир. Ҳар бир чолғунинг таровати ўзгача. Утиш алломалари, дард аҳли, маънавий пешволари уларнинг ҳар бирини алоҳида таърифлаган. Шулар қаторида шоир Фурқат:

*Гоҳи қонун, гоҳи гижжак,
гоҳ дутор истар қўнғул,
Дўстлар, айшу тараб,
фасли баҳор истар қўнғул,*

деб мусиқа асосларининг сирли қудратини гўзал таърифлаган.

*Мен дутор билан туғилган,
қўнға бир девонаман,
Ул туғилганим билан
бир ўтда доим ёнаман,*

дея шоир Чўлпон созлар ўз даррдошига айланганини ифода қилди.

Буёқ соҳибқироби Амир Темур даврида муносиқ чолғулар нафақат маънавиятимизни оҳанглар орқали тараннум этиш восита, балки ҳарбий матонат, шижоат нишони, жангчиларнинг табақа ҳамда мартабаларини кўрсатувчи ҳарбий даража белгиси сифатида ҳам қадрланиб келинган. Бу борада "Темур тузуқлари"да қуйидагича баён этилган:

"Амр қилдимки, ўн икки катта амирларнинг ҳар бирига битта байроқ ва бир нағора берилсин. Амир ул умарога байроқ ва нағора, туҳайи туғи ва чортуг тақдим этилинлар. Мингбошига эса бит туғи ва карнай берилсинлар. Юзбоши ва ўнбошига биттадан катта нағора берилсинлар. Аймоқларнинг амирларига бўлса биттадан бурғу тақдим этилинлар. Турт белгарбегининг ҳар бирига биттадан байроқ, нағора, чортуг ва бурғу берилсинлар".

Ушбу тарихий фактлар халқимиз қадимдан муносиқ билими бор, бирор созини чала оладиган инсонларга алоҳида ҳурмат билан қараганини ифода қилди.

Шу боис Президентимизнинг ақида Наманган вилоятига таъширф чоғида келажак эгалари бўлиши ёшлиларнинг аинда муносиқ чолғу ижрочилигига доир билим ҳамда саноатини янада юксалтиришга қаратилган тақдирлари юртдошларимиз томонидан кўтарилган руҳда қўтиб олинди. Ушбу ташаббус замирида ҳар бир инсон ўз ҳаётида оҳанг сеҳрини туйсин, созларни садолатини, унинг бетакор уларнинг фохр билан таратсин деган олий мақсад муҳассамдир. Зеро, ҳар қандай ижоднинг ёш ақли, ҳусну таровати ва албатта, завок билми мукорар. Мусиқа садоларида инсонга энг гўзал онларни ҳада этиш имконияти кўпроқ, Санъатга ошувчи инсон қалбиди эса эзгуликка ҳизмат қилиш туйғуси доимо устундир.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, бугунги замонда барча эзгу ниятли инсонларни бирлаштириш, ёшлирни юксак гуманистик идеаллар руҳида тарбиялашда мусиқа санъатининг ўрни ва аҳамиятини ҳеч нарса билан ўнлаб, баҳолаб бўлмайди.

Ўрбўшомизнинг ёш авлодини санъатга ошно этишга қаратилган навабдаги ташаббус мамлакатимизда мақом санъатини янада ривожлантириш борасида ҳам янги уфқларни очди. Бинобарин, бугун мусиқа сирларини кўнл билан ўрганаётган ёш иқтидор соҳибларидан келгусида халқимизнинг ноёб маданий хазинасини янада бойитадиган, унинг обрў-этборини бундан да оширадиган истеъдодли мақом усталари, санъатшунослар етишиб чикишига ишончимиз қомил.

Мақомларни мукаммал ва гўзал ижроларда тингловчинга етказиши қилишлари сурурга тўлдирди. Инсонларга қувонч, эзгулик улашиси эса катта савоб. Бу йил Ватанимизнинг гўзал ошёрларидан бири — Шахрисабзда иккинчи Халқаро мақом санъати анжумани иштирокчиларида ана шундай хайрли ишга амалга ошириш имконияти бор. Ушбу қилимчи, мамлакатимизда янграган хуш наволар дунё бўйлаб таралиб, миллий оҳанг қалбларда эзгулик уруғларини қуратилади.

Сонибжон БЕГМАТОВ,
Ўзбек миллий мақом санъати маркази бош директори, профессор.

Халқимизга бебаҳо бойлигини қайтарган муҳим ҳужжат

Ушбу ноёб санъатга муносабат турли даврларда турлича кечди. Халқимиз мақомлар билан ухлаб-уйғониб, эъзоз-эҳтиром этган замонлар ҳам, афсуски, "эскилик сарқити" сифатида қаралиб, уни авайлаб асраш, ўрганиш ва ривожлантиришга эътиборсизлик қўрсатилган йиллар ҳам бўлди.

Шукрки, истиқлол қўши миллий санъатимиз осмонини ҳам ёритди. Мақомларга муносабат ўзгарди. Турли фестиваллар, анжуманлар ташкил этилиб, ажодларимизнинг ушбу ноёб меросини ўрганишга, тарғиб этишга қулай шароит яратилди. Ўзбек мақомларининг янги тўлдирилган кўринишда замонавий тақдирларини яратиш, чолғу ҳамда ашу йўлларини аудио ва видеога ёзиб олиш ҳамда "Шашмақом" нота матнларининг замонавий намунасини шакллантириш борасида олиб борилётган сайҳаракатлар илмий-маданий аҳамиятга эгаларини эътироф этиш лозим.

Ўртимизда мақом ансамбллари, мақом жамоалари ташкил қилинди, Ўзбекистон давлат консерваториясида шу йўналишда мақом кафедраси фаолият қўрсата бошлади. Шунга қарамай, миллий ўзлигимизни аниқлаш, маданиятимизни ҳар томонлама ривожлантириш, халқимиз, аввало, ёш авлодимизни юксак инсоний туйғулар руҳида тарбиялаш, уларнинг эстетик диди ва тафаккурини шакллантиришда мақом санъатининг кенг имкониятларидан етарлича фойдаланилмай келаётгани.

Соҳадаги мавжуд камчилик ҳамда муаммоларни бартараф этиш, ўзбек мақом санъатини чуқур ўрганиб, ўзига хос ижро мактаблари ва аъёнларини янги босқичда раванг топтириш, унинг "олтин фонди"ни яратиш ҳамда бойитиш, халқаро нуфузини ошириш ва кенг тарғиб қилиш мақсадлари 2017 йил 17 ноябрда Президентимизнинг "Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Мазкур ҳужжат ушбу санъатга доир чуқур илмий-назарий тадқиқотлар, ўқув-услубий адабиётлар яратиш, мақом усталари, соҳа олимлари ҳамда мутахассислари, иқтидорли ва истиқболли ёш ижрочилар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ишларини янада қулайитиришга туртки бўлди.

Ушбу қарор нафақат тарихга, балки халқимиз қалбига муҳланди. Кейинги ул йилда мақом санъатида эътибор юксак босқичга кўтарилиди, деб бемалол айта оламиз.

Устозларнинг интиқил билан кутган орзуси амалга ошди. Ўзбек миллий мақом санъати маркази тузилди. Унинг зиммасига мақомларнинг азаллий аъёнларини тиклаш юзасидан бир қатор вазифалар белгиланди.

Давлатимиз раҳбари қарори замирида, аввало, халқимизнинг маънавий бойлиғи бўлган мақомнинг қадрини янада ошириш, мақом билимдонлари бўлган устозларни излаб топиш, ушбу санъат намуналаридан халқимизни баҳраманд қилиш, унинг тарбиявий томонларидан фойдаланиб, баркамол авлодни шакллантириш, келажакда улуғ мутафаккир, алломаларнинг янги авлодини тарбиялаш ғояси ўз аксини топган.

Маълумки, мақом иждоиди ва амалиёти азалдан оғзаки аъёнларга асосланган ҳамда "Устоз — шоғирд" усулида ўзлаштириб келинган. Бу санъат намуналари йиллар давомида мусиқа билимдонлари, халқ бастакорлари томонидан яратилган. Демак, замонавий жараёнда таълим соҳасида мақомларга эътиборни мустаҳкамлаш, ўқув жараёнида ушбу санъат турига доир фанларни жорий қилиш орқали нафақат соҳада "Устоз — шоғирд" аъёнларини ривожлантириш, балки ўсиб келаётган ёш авлодини мақом оҳанглари асосида тарбиялаш, миллий қадриятларни мустаҳкамлаш мумкин. Мазкур ғояни амалга ошириш бўйича марказ ходимлари "Устоз — шоғирд" мактаби устозлари, барча ҳудуддаги мақомдон-устозлар, мусиқашунос олимлар билан бирга, кенг қўламли сайёҳаракатлар олиб бормоқда.

Айтиш жоизки, мақом санъати — бу, аввало, илм. У бир неча асрлик тарихга, назарий ва амалий асосларга, шаклу шамоийли, иждоиди ҳамда амалиётга, энг муҳими, буюқ халқнинг миллий руҳиятини аниқлашга эгадир. Бу борада мақомлар халқимиз ўтмиш ҳаётининг улкан муносиқ қомуси, десак, адашмаган бўламиз. Мақомларни ўрганиш мақсус таъйёрларини талаб этади.

Тўғри, мақомнинг илм сифатида муайян тартибга асосланган назарий ва амалий қоидалари шаклланди. Масалан, фақатгина "Шашмақом"нинг таркибидан 300 га яқин тизимлашган куй ҳамда ашуларлар ўрин олган. Улар халқимиз ҳаёти, маънавияти ва руҳиятини ифодловчи санъат намуналаридир. Ушбу бебаҳо меросини ҳаётимизга тўла таътиб этиш эса муайян вақт, шароит, мутахассис талаб қилиши мукорар. Бунинг учун юртимизнинг ҳар бир ҳудудида мазкур мақомот намуналари ҳақидаги барча маълумотни тўлаш, шунга асосланиб, уларнинг таълимий-амалиётини ҳамда илмий ўзлаштириш мезонларини ишлаб чиқиш лозим. Шу нуқтаи назардан, республикамизнинг ҳар бир вилоятида Намунавий мақом ансамбллари тузилди. Аввало, мақомларга меҳр қўйиб, уларни ўрганиш ва ўзлаштиришга бел бошланди. Янги ансамбллар олдига бой мусиқа меросимизни устозларга хос, ўтмиш аъёнларини негизига ўзлаштириб, софлигича ижро этиш ҳамда халқимизни мақом оҳангларидан баҳраманд қилиш каби масъулиятли вазифалар юкланди.

Мақомнинг тинглаш орқали ёшлар қалбига синдириш борча маълумоти тўлаш, шунга асосланиб, уларнинг таълимий-амалиётини ҳамда илмий ўзлаштириш мезонларини ишлаб чиқиш лозим. Шу нуқтаи назардан, республикамизнинг ҳар бир вилоятида Намунавий мақом ансамбллари тузилди. Аввало, мақомларга меҳр қўйиб, уларни ўрганиш ва ўзлаштиришга бел бошланди. Янги ансамбллар олдига бой мусиқа меросимизни устозларга хос, ўтмиш аъёнларини негизига ўзлаштириб, софлигича ижро этиш ҳамда халқимизни мақом оҳангларидан баҳраманд қилиш каби масъулиятли вазифалар юкланди.

Мақомнинг тинглаш орқали ёшлар қалбига синдириш борча маълумоти тўлаш, шунга асосланиб, уларнинг таълимий-амалиётини ҳамда илмий ўзлаштириш мезонларини ишлаб чиқиш лозим. Шу нуқтаи назардан, республикамизнинг ҳар бир вилоятида Намунавий мақом ансамбллари тузилди. Аввало, мақомларга меҳр қўйиб, уларни ўрганиш ва ўзлаштиришга бел бошланди. Янги ансамбллар олдига бой мусиқа меросимизни устозларга хос, ўтмиш аъёнларини негизига ўзлаштириб, софлигича ижро этиш ҳамда халқимизни мақом оҳангларидан баҳраманд қилиш каби масъулиятли вазифалар юкланди.

Ўзбекистон давлат консерваториясининг Мусиқий шарқшунослик кафедраси негизига Ўзбек мақоми тарихи ва назарияси кафедраси ҳамда факультет очилди. Вилоятлардаги педагогик олий таълим муассасаларининг мусиқий таълим йўналишларида мақом санъати мақсус фан сифатида ўқишти бошланди.

Мумтоз мусиқа меросимиз намуналарини нотага олиш, мавжуд ёзувларни тақомиллаштириш ва амалиётга жорий этиш, мақом санъатининг иқтисодий-тарихий илдизлари, илмий-назарий негизларини, миллий ҳамда умумбағирий қадриятлар билан боғлиқ хатирлари юртимиз олимлари ва чет эллик мутахассислар иштирокида чуқур ўрганилмоқда.

Оммавий ахборот воситалари орқали мақом ҳақидаги маълумотларнинг ранг-баранг шакл ҳамда кўринишда мунтазам тарғиб этилиши натижасида ёш авлод ўртасида мақом ижрочилиғига қизиқиш кўнайди. Энг муҳими, халқимизда мақом санъати бўлган муносабат ўзгарди, ушбу бетакор муносиқ мерос намуналарига эътибор ошди.

Мақом инсонга нима беради?

Мақомлар юксак бадий ва эстетик имкониятларга эга бўлган халқ мусиқа иждоиди мевасиси ҳисобланади. Асрлар давомида илмий, билимли хонанда, созанда ҳамда бастакорлар томонидан яратилиб келинган ушбу мумтоз санъат намуналари ўзининг мукамаллиғи, бадий эстетик имкониятлар юқорилиғи билан алоҳида аҳамиятга эга. Шарқ мамлакатларининг 12 тасида мақомот тизимига кирувчи худди шундай муносиқ асарлар мавжуд. Ўзбекистоннинг ўзиди мақомларнинг 5 тури шаклланди: Бухоро "Шашмақом", Хоразм олти ярым

мақомлари ва дутор мақомлари, Фарғона — Тошкент мақомлари, Сурина мақом йўллари ҳамда чолғу мақом туркумлари. "Шашмақом"нинг ҳар бир мақоми ("Бўрук", "Рост", "Наво", "Дугоҳ", "Сеғоҳ", "Ирок") таркибидан 40 дан 65 тагача куй



Ушбу анжуман халқимизга чексиз ғурур бахш этиш билан бирга, Ўзбекистон маданияти ва санъати доғруғини дунёга ёйишга ҳизмат қилди.

Агар биз асл, ҳақиқий санъатни билмоқчи, ўрганмоқчи бўлсак, аввало, мумтоз мақом санъатини билишимиз, ўрганишимиз керак. Агар биз санъатни, маданиятни кўтармоқчи бўлсак, аввало, мумтоз мақом санъатини кўтаришимиз керак.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ва ашуларлар ўрин олган. Улар шаклан мунотосиб туркумли, Ўзбек мумтоз адабиёти намуналарининг фазл ҳамда муҳаммасларига, муайян лад ва усулларга асосланган. Мақом "Устоз — шоғирд" аъёнасида сабоқ олган, моҳир, билимли, тарбияли овоз соҳиблари томонидан ижро этиб келинган.

Сирли мўъжизалар дунёси

Мақом шунчаки ҳордик чикариш учун тингланганда оҳанг эмас, Теран англана, у — тарих, аъёна, қадрият, маънавият, маърифат, тарбия, орзу, муҳаббат ва дўст. Ким нирани халаса, истаганини топадиган сирли мўъжизалар дунёсидир. Фақат унга шайдо бўлиш, у билан яшаш керак. Шундагина унинг сирли дунёсини англаймиз, сеҳри хамда мўъжизавий таъсирини сезамиз ва шу орқали ўзимизни ҳам ҳар доим тетик, бардам, бақувват ҳис этишимиз. Ҳаётнинг бебаҳо неъмат эканлигини, гўзаллик ҳамда иждоиднинг мислоси қудратини англаб атаймиз.

Президентимиз таъкидлагандек, агар биз асл, ҳақиқий санъатни билмоқчи, ўрганмоқчи бўлсак, аввало, мумтоз мақом санъатини билишимиз, ўрганишимиз керак.

Агар биз санъатни, маданиятни кўтармоқчи бўлсак, аввало, мумтоз мақом санъатини кўтаришимиз керак.

Шукрки, мақомларинг элимизнинг назариди, эъзозиди бўлиб, доимо ардоқлаб келинган. Уларнинг номлари ҳамда иждоидлари тарих зарварларига битилган. Бунинг замирида эса бир умрлик меҳнат, мероснинг ардоғи, машойхлар ҳикмати, устозлар ҳурмати, касбга садоқат, шоғирдларга меҳр, халқимизга саховат, ҳаёт ва фаолиятда эса тавозе каби бир қатор шарафли, лекин маъшакатли омиллар ўз инъикосини топган.

Демак, мақом инсониятга руҳий озуқа, қувват, хуш кайфият, иждоий илҳом, шижоат бахш этади. Шу боис киши мумтоз оҳанглар садосига мафтун бўлади. Ҳазрат Навоий таъбири билан айтганда: "Шодлик оширувчи хонанда: гафни тарқатувчи созанда... кўнгилик хуш оҳангдан қувват, рух эса хуш овоздан озуқ олади... ўзи чалиб, ўзи

маънавий дунёси ва мумтоз мусиқа меросида дунё аҳли алоҳида ҳурмат-эътибор билан қаради.

Шу боис юртимизда мусиқа санъати, ҳусну мақомчилик ривожига алоҳида эътибор берилмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан улмас санъатимизни халқаро умумбағирий аҳлини ҳам баҳраманд этиш ҳамда жаҳоннинг энг сара ашулчиларини юртимизга тақлиф этиб, халқимиз эътиборига ҳавола қилиш мақсадиди мақом санъати бўйича халқаро анжуман таъсис этилди. 2018 йилнинг 6 — 10 сентябр кунлари Шахрисабз шаҳрида 1 Халқаро мақом санъати анжумани ўтказилди ва ушбу нуфузли тадбирни ҳар икки йилда мунтазам тақлиф этиш кўзда тутилди.

Биринчи халқаро мақом санъати анжуманининг илҳом хотиралари, шукухи халқ ҳам иштирокчилар қалбидан аригани йўқ, десак, адашмаган бўламиз. Республикаимиз санъат аҳли, мумтоз мусиқа мухлислари, қолaversа, ўзбек миллий мақом санъатига астойдил қизиқиш билдирган ўзга юртлар санъат илҳомдонлари, мусиқашунос олимлар томонидан ушбу кенг қўламли тадбирнинг кўтаринки руҳда ташкил қилинган миллий ҳамда жаҳон оммавий ахборот воситаларида эътироф этилмоқда.

Зотан, бунга тўла асослар бор. Биринчидан, илк бор бундай нуфузли анжуманининг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан таъсис этилиши ва ўтказилиши санъат аҳлининг ҳайратига сабаб бўлди. Нуфузли тадбирнинг очилишида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, нутқ сўзлади. Санъат ҳамда нафосат байрамида дунёнинг 73 давлатидан 300 га яқин илҳомдонлар ва меҳмонолар келди. Уларнинг орасида нафақат ўз юртида, балки жаҳон миқёсида ҳам машҳур бўлган хонанда ҳамда созанда, маданият ва санъат арбоблари, мусиқашунос олимлар бор эди.

Иккинчидан, кўнча ҳамда нақвирон, улғу алломалар, жумладан, соҳибқирон таваллуд топган юртинг бетакор қўрқи, табиати, меҳмондўст халқимизнинг муносабатлари анжуман қатнашчиларида илҳом таассуротларидан таъширф бюрурган мусиқашунос олим, доктор Ашраф Абдул Раҳмон "Мир эҳромлари бизнинг ўрғанишга эришадиган ўзбек халқининг маданий мероси қўл экан. Бу мақом санъати, тарихий обидалар ва энг муҳими,

Тайёргарлик ишлари қизғин

Давлатимиз раҳбари ушбу оламшумул анжуманининг нашидаси дунё бўйлаб авл олаётган бир пайтда мақом санъатининг илмий асосларини ўрганиш, азалий ҳамда замонавий намуналаридан умумжаҳон халқларини баҳраманд этиш, Шарқ халқлари мақомотининг гўзал аъёнларини ва моҳир мақом санъати намуналарини иждоиди янада мукаммал ўрганиб, тарғиб қилиш мақсадида "1 Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказишга тайёргарлик қўриш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармойишни имзолади.

Иккинчи аниқламани аввалгисидан ҳам юксак савияда ташкил этиш масъулиятини нақадар улканлиғи фармойишида қўзланган вазибаларни ўз ифодасини топган.

Айни пайтда мазкур ҳужжат асосида тадбирга тайёргарлик ишлари қизғин давом этмоқда. Бунга бутун Ўзбекистондан мутахассислар жалб қилиниб, ҳар бир ҳудуд вакиллари ўзига хос локал услубларини санъатини тарғиб қилиш мақсадида мақом санъати бўйича халқаро анжуман таъсис этилди. 2018 йилнинг 6 — 10 сентябр кунлари Шахрисабз шаҳрида 1 Халқаро мақом санъати анжумани ўтказилди ва ушбу нуфузли тадбирни ҳар икки йилда мунтазам тақлиф этиш кўзда тутилди.

Биринчи халқаро мақом санъати анжуманининг илҳом хотиралари, шукухи халқ ҳам иштирокчилар қалбидан аригани йўқ, десак, адашмаган бўламиз. Республикаимиз санъат аҳли, мумтоз мусиқа мухлислари, қолaversа, ўзбек миллий мақом санъатига астойдил қизиқиш билдирган ўзга юртлар санъат илҳомдонлари, мусиқашунос олимлар томонидан ушбу кенг қўламли тадбирнинг кўтаринки руҳда ташкил қилинган миллий ҳамда жаҳон оммавий ахборот воситаларида эътироф этилмоқда.

Зотан, бунга тўла асослар бор. Биринчидан, илк бор бундай нуфузли анжуманининг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан таъсис этилиши ва ўтказилиши санъат аҳлининг ҳайратига сабаб бўлди. Нуфузли тадбирнинг очилишида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, нутқ сўзлади. Санъат ҳамда нафосат байрамида дунёнинг 73 давлатидан 300 га яқин илҳомдонлар ва меҳмонолар келди. Уларнинг орасида нафақат ўз юртида, балки жаҳон миқёсида ҳам машҳур бўлган хонанда ҳамда созанда, маданият ва санъат арбоблари, мусиқашунос олимлар бор эди.

Иккинчидан, кўнча ҳамда нақвирон, улғу алломалар, жумладан, соҳибқирон таваллуд топган юртинг бетакор қўрқи, табиати, меҳмондўст халқимизнинг муносабатлари анжуман қатнашчиларида илҳом таассуротларидан таъширф бюрурган мусиқашунос олим, доктор Ашраф Абдул Раҳмон "Мир эҳромлари бизнинг ўрғанишга эришадиган ўзбек халқининг маданий мероси қўл экан. Бу мақом санъати, тарихий обидалар ва энг муҳими,



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридagi Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан руйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюроғи Г — 756. 34 148 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Өфсет усулида б